O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ислом КАРИМОВ:

ИШОНЧИМ КОМИЛКИ, ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ ХАЛҚИМИЗНИ ЯНАДА БИРЛАШТИРАДИ, УНИНГ РУҲИГА МАЛҲАМ БЎЛАДИ, ИРОДАСИНИ БАҚУВВАТ, ИЙМОНИНИ БУТУН ҚИЛАДИ.

O'ZBEKISTON OVOZI

2000 ЙИЛ
10 МАЙ
ЧОРШАНБА

№ 55 (25.605).

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

GAZETA 1918 YIL 21 IYUNDAN CHIQA BOSHLAGAN

Президент Ислом Каримовнинг Фармонига кўра, халқимизнинг Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун жон фидо этган фарзандлари хотирасини абадийлаштириш, бугун ҳам элюртимиз обрўйини юксалтиришга, ёшларни тарбиялашга ҳисса қўшаётган фахрийларни ҳурматлаш мақсадида мана икки йилдирки, мамлакатимизда 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни сифатида кенг нишонланмоқда. Айтиш мумкинки, бу нафақат жанг майдонларида қурбон бўлганларни хотирлаш, балки фронт ортида фидокорона меҳнат қилган отахон ва онахонларимизга иззат-икром кўрсатиш, мустақил Ўзбекистон тараққиётига ўз улушини қўшиб келаётган фахрийларимизни ардоқлаш борасидаги хайрли ишлардандир.

Хотира ва Қадрлаш кунининг умумхалқ миқёсида нишонланишини таъминлаш барча давлат, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг бирламчи вазифаси, мамлакатимиз фуқароларининг маънавий бурчига айланган. Ушбу қутлуғ сана шарофати билан бутун республикамизда минглаб уруш ва меҳнат фахрийларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатилиб, совғасаломлар улашилди. Уруш даҳшатларини кўрган, истибдод зулмини тортган ва истиқлол кунларига етган фахрийлар билан учрашувларда кишиларимиз маънавияти бойимоқда, қалбларидаги уйғоқ хотира ва фахр туйғуси мустаҳкамланмоқда.





ИНСОН ХОТИРАСИ — МУҚАДДАС

Умумхалқ байрами — Хотира ва Қадрлаш кунининг ўтказилиши, 1941-1945 йиллардаги иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 55 йиллиги муносабати билан Вазирлар Маҳкамасининг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги қарори қабул қилиниши ҳам фахрийларимизга бўлган ғамхўрликнинг яна бир намунаси бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Тошкент шаҳри марказида барпо этилган Хотира майдони халқимизнинг миллий қадриятлари, ўтганлар руҳига чуқур ҳурматни ўзида мужассам этган, миллий меъморлик анъаналари асосида бунёд этилган ҳақиқий зиёратгоҳга айланди.

9 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хотира майдонини зиёрат қилиб, Мотамсаро она ҳайкали пойига анвойи гуллар қўйди.

Давлатимиз раҳбари бу ерга йиғилган уруш ва меҳнат фахрийларини қутлуғ байрам билан самимий қутлади.

Шу ернинг ўзида Юртбошимиз оммавий ахборот воситалари вакилларининг саволларига жавоб қайтарди:

— 9 майни нима учун Хотира ва Қадрлаш куни сифатида нишонлаймиз деганда, мен аввало шуни айтаманки, бу кунда юрт озодлиги, халқимизнинг бугунги ҳаёти учун жонини фидо қилган ота-боболаримиз хотираси, жигарбандларини кутиб қолби фарёдга тўлган мунис онахонларимиз олдида бош эгамиз, — деди жумладан Ислом Каримов. — Инсон хотираси — муқаддас. Шундай экан, мана бир йилдирки бу майдонга зиёратга келувчилар сафи узилмаётгани, зиёратчилар ота-боболари номларини кўриб, кўзларига ёш олаётганининг ўзи амалга ошираётган савоб-ли ишларимизга берилаётган муносиб баҳо, деб ўйлайман.

Хотира нафақат ўтмишни унутмаслик, балки бугунги ҳаётимизнинг қадрига етиш, эртанги кунни тўғри тасаввур этиш, демакдир. Хотира инсонни келажакка очиқ кўз билан қарашга ўргатади. Шу боис, бугунги ёшлар оталаримизнинг юртимиз эркли ва озодлиги, миллатимиз равнақи йўлида чеккан заҳматлари, кўрсатган жасоратларини унутмаслиги, улардан ибрат олиб яшашлари даркор.

Қадрлаш эса, хонадонларимизга файз-барака бағишлаб, қилаётган эзгу ишларимизга оқ фотиҳа тилаб ўтирган қариялари-мизнинг ҳурматини жойига қўйишдир. Зеро, мўътабар отахон ва онахонларимизни ҳаётлигида қадрлаш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Беҳзод УСМОН (ЎзА)

Суратда: тадбирдан лавҳалар.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

МАВСУМИЙ КЕЛИШУВ

Ҳиндистон ва Покистон ёзги экин-тикин мавсуми даврида Кашмирдаги чегара ҳудудларининг баъзи қисмларида ўт очишни тўхтатишга келишиб олди. Бу ҳақда Ҳиндистон чегара қўшинлари вакили айтди. Унинг сўзларига қараганда, ҳосилни йиғиб олиш пайти тинч аҳоли вакилларининг қурбон бўлишига йўл қўймаслик мақсадида шундай келишувга эришилган.

АСИРЛАР ОЗОД ҚИЛИНДИ

Эрон ҳукумати 480 нафар ироқлик ҳарбий асирни озод қилди. Эроннинг ҳарбий асирлар ва бедарак кетганлар масаласи бўйича комиссияси раиси Муҳаммад Баларнинг айтишича, маҳбуслар Халқаро қизил хоч қўмитаси вакиллари иштирокида Ироқ томонига топширилган. Эрон тутаётган бу йўл инсонпарварлик ғояларидан келиб чиққандир, деди М.Балар.

МУСОДАРА ҚИЛИНДИ

Мексика полицияси 340 килограммга яқин марихуана ва 3 килограмм кокаинни мусодара қилди. Мамлакат бош прокуратураси тарқатган хабарда айтилишича, мазкур контрабанда маҳсулоти жиноятчилар бошқараётган автомобилга яширилган экан. Жиноятчиларнинг терговда берган жавобларига қараганда, гиёҳванд моддалар АҚШга жўнатиш учун тайёрлаб қўйилган.

ҒАМНИНГ СУРАТИ

Куни кеча Ўзбекистон Бадиий Академиясининг Марказий кўргазмалар залида 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган суратлар кўргазмаси бўлиб ўтди.

Ўз ижоди давомида иккинчи жаҳон урушининг қонли изларини тасвирлаган уруш иштирокчилари А. Абдуллаев, Н. Набиев, И. Кочетов, А. Валиев сингари мўйқалам соҳибларининг кўплаб асарлари намойиш этилди.

Бир сўз билан айтганда, ушбу суратли ҳужжатлар инсониятни огоҳликка чақиради. Ғам, кулфат. Кутиш. Айрилиқ тасвирлари, уруш даҳшати билан, сизни юзма-юз келтиради.

■ **Ҳусниддин БЕРДИЕВ**

ҲАЙКАЛ ПОЙИДАГИ ГУЛЛАР

Андижон вилоят ички ишлар бошқармасининг парадлар майдонида байрамона кийинган ички ишлар ходимлари саф тортдилар.

Вилоят ички ишлар бошқармасининг ўринбосари, милиция полковниги М. Шамшитдинов Хотира ва Қадрлаш кунининг аҳамияти ҳақида мазмунли сўзлади. Вилоят ички ишлар бошқармаси фахрийлар кенгаши жамоатчилик маркази раиси А. Ғозиев барчани азиз қадрият куни билан табриклади. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари М. Юсупов юртимизда Хотира ва Қадрлаш кунига ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрилганлиги, миллий қадриятларимиз улуғлиги тўғрисида гапириб, осойишталик посбонларини, азиз фахрийларни муборакбод этди.

Шунингдек, жанговар вазифасини бажараётиб жиноятчилар билан олишув пайтида ҳалок бўлган 12 нафар ички ишлар ходимларининг исми ва фамилиялари ёзилган ёдгорлик лавҳаси яратилди. Мотамсаро она ҳайкали ўрнатилди.

Шу куни Мотамсаро аёл ҳайкали тантанали очилди. Ҳайкал пойи гулларга тўлди.

Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари, жиноятчиларни қўлга олиш пайтида Ватанга содиқлик кўрсатиб ҳалок бўлган ички ишлар ходимлари оила аъзоларига эҳтиром кўрсатилди.

■ **Аҳмадулло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ЎҒЛОНЛАР ХОКИ ЮРТГА ҚАЙТДИ

Иккинчи жаҳон уруши келтирган даҳшатли йўқотиш ҳамон юракларни ларзага келтиради. Ватанидан узоқда, кафансиз, қабрсиз кетган ўғлонларнинг хотираси олдида мангу бош эгамиз.

Кекса журналист Акром Аъзамовнинг саъй-ҳаракати билан 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни арафасида, Европанинг турли шаҳарларида шаҳид кетган 59 нафар оҳангаронликлар хоки юртимизга келтирилди. Уларнинг тупроққа айланган вужудлари, боболар муқаддас тупроғига келиб қўшилди.

■ **Дилором ЖУМАНИЁЗОВА**

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

НАВБАТДАГИ МУЗОКАРАЛАР

Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида Афғонистондаги қарама-қарши томонлар ўртасидаги музокараларнинг навбатдаги босқичи бошланди. Ислом конференцияси ташкилоти шафеълигида ўтказилаётган ушбу музокаралардан мақсад «Толибон» ҳаракати ва Шимолий иттифоқ ўртасида ўт очишни тўхтатиш борасида келишувга эришиш ҳамда мамлакатдаги барча сиёсий кучлар иштирокида коалицион ҳукумат тузишдир.

Жорий йилнинг 6-7 март кунлари Жиддада ўтказилган музокараларнинг биринчи босқичи бесамар якунланган эди.

ГАРОВДА ТУРИШИБДИ

Филиппиннинг Басилан вилоятида «Абу Сайяф» террорчилик гуруҳи томонидан қатл этилган икки кишининг жасади топилди. Хабарларга қараганда, ҳукумат қўшинлари террорчилар ўрнашиб олган жойларга ҳужумни тўхтатавермагач, жангарилар гаровдагиларнинг бир нечтасини отиб ташлаган. Айни пайтда жангарилар апрель ойида қишлоқ мактабларидан бирига ҳужум вақтида қўлга олган ўқувчи ва ўқитувчилардан тўққиз нафарини ушлаб турибди.

■ **(ЎзА)**

ОЗОДЛИКНИНГ КУЛГУСИ

Истиқлол ўзининг тўққизинчи баҳорини қаршиламоқда.

Озодлик бутун миллат учун ягона ҳеч нарсага қиёс қилинмайдиган тамойил эканлигини бугун барчамиз англаб етдик.

«Ўзбекистон овози» газетасининг 1999 йил 17 июль сонида «Қуриб қолган тўнка...» номли мақола эълон қилинган эди. Ушбу мақолада Каттақўрғон туманидаги Қорадарё кўприги яқинида қад ростлаб турган ёдгорлик ва ундаги мустабид тузумнинг «ўроқ ва болға»си, «СССР», «Победа» сўзларининг майдон тўрида ҳамон турганлиги ҳақида ёзилганди. Каттақўрғон тумани мутасадди раҳбарларининг маънавий бурчга муносабатлари қаттиқ танқид остига олинганди.

Бизнинг назаримизда миллий ғоямиз шаклланаётган шу кунларда мустабид тузумнинг ҳар қандай иллатларига, қолдиқларига қарши аёвсиз курашмоғимиз шарт.

Каттақўрғонликлар Хотира ва Қадрлаш кунини ўзига хос бир шукуҳ билан кутиб олдилар. Бугун майдон тўрида Мотамсаро она ҳайкали қад ростлади. Кутиш ва армонинг мангу олови ёниб турибди. Майдон атрофига Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан айтилган сўзлар, ҳикматлар, шиорлар илиб қўйилган. Барпо этилган фавворалардан тиниқлик, ойдинлик отилади. Ушбу мажмуани бунёд этишда бутун туман аҳолиси бир тану бир жон бўлиб хизмат қилдилар. Каттақўрғон туманининг кекса отахонлари истиқлол чечаклари бўлган жажжи болажонлар майдон атрофига анвойи гуллар, турли мевали, манзарали дарахтлар экишди.

Туман раҳбарларининг ташаббуси, юртдошларимизнинг машаққатли меҳнати туфайли ушбу майдон қайта қурилди. Ўз номи билан айтганда, қуриб қолган тўнка четга олиб ташланди. Энди у йўлдан кетаётганларни чалиб йиқитолмайди.

Биз бу ерда танқид беиз кетмаганлигини, туман раҳбарларининг ушбу муаммога масъулият билан ёндошганларини мамнуният билан таъкидламоқчимиз.

Маънавиятимиз, мафкурамиз, мустақиллигимизга ёт бўлган мустабид тузумнинг қолдиқлари ҳалиҳамон сақланиб туриш иллати билан бугун келишиб бўлмайди.

Олам ўзгармоқда. Истиқлол миллатнинг қисматига ҳаёт-мамотига айланган орқага йўл йўқ!

Биз бугун Каттақўрғонда озодликнинг жарангдор кулгуси янграётганини эшитдик. Бизнинг энг юксак туйғумиз озодлигимизга соя ташлаб турган яна битта қуриган тўнка суғуриб ташланди.

Озодликнинг кулгуси янграр,
Кўкда қуёш чарақлаб кетар.
Хотиралар уйғонган юртда,
Қалам, гуллар ашъорлар битар.
Жажжи гўдак қўлларида гул,
Майдон томон кетиб боради.
Истиқлолнинг мунис гунчаси,
Ўтмишидан сабоқ олади.

■ **Фарруҳ ҲАМРОЕВ**

МАКТАБДА МАНИТОРИНГ МАРКАЗИ

Навоий вилоят халқ таълими бошқармасининг ҳайъат йиғилишида «Халқ таълими тизими муассасалари ва бошқарув органлар»нинг Президентимиз Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши сессиясидаги нутқидан келиб чиқадиган вазифалари тўғрисида» республика халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Йўлдош Саиджонов маъруза қилди. Шунингдек, йиғилганлар «Ўқувчилар билим даражасини назорат қилишнинг рейтинг тизимини тажриба-синовдан ўтказиш», «Давлат тили ҳақида», «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш», «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида таълим-тарбия ишларининг ташкил этилиши борасида ўз мулоҳазаларини ўртага ташладилар.

Чунончи, 17-мактабда ўқувчиларнинг билим самарадорлиги 80, Қизилтепа туманидаги 5-мактабда 76 фоизни ташкил этганлиги мамнуният билан таъкидланди. Зеро, вилоят бўйича оддий ўқитишларга кўра ўқувчиларнинг билим савияси 45 фоиздан ошмаяпти. 17-мактабда эса мониторинг марказининг тақдимоти ўтказилди. Туман халқ таълими бўлим мудирларидан тест синовлари олинди.

■ Ўткир ПЎЛАТОВ

ЭЛДОШЛАРИМГА ЭҲТИРОМ

Иккинчи жаҳон урушида довюрак қорақалпоғистонлик азаматлар душман билан олишувда мислсиз жасорат, чинакам қаҳрамонлик кўрсатган эдилар. Фронт майдонларида 66000 дан кўпроқ қорақалпоғистонлик йигитлар жанг қилдилар. Урушнинг дастлабки даврида кўнгилли бўлиб фронтга отланиш истагини билдирган юртдошларимиздан ташкил топган ўқчилар бригадасининг батальонлари Москва, Сталинград, Смоленск, Киев, Минск остоналарида мардона жанг қилдилар. Б. Бобоев, Ў. Абдуллаев, М. Балмағамбетов, М. Булатов, И. Ванифатов, Д. Вернадский, Ў. Жуманиёзов, Ж. Қолдиқораев, Ж. Қорақулов, М. Михорин, И. Наврўзбоев, П. Нурпеисов, А. Пишумин, А. Симонов, Н. Сараев, Б. Пиехамолов, А. Трошков, Ф. Чепурин, Алимбой Омонбеков, Александр Зайко, Жўлдасбой Қалимбетов, Тиловмурад Ўтамурадов, Рейип Сайипназаров, Фофур Саъдуллаев ва бошқалар чинакам матонат кўрсатишди. Кичик лейтенант Иноят Наврўзбоевнинг шон-шуҳрати, қадри, хотираси мангудир. У ўзининг жанговор гуруҳи билан душманнинг ўқларига рўпара келиб, Днепрнинг ўнг соҳилига ўтаётган бўлинмани ҳимоя қила олди. Мазкур гуруҳ жангчилари тош йўлни назорат этиб турган фашистларни бекиниб олган қишлоқдан ҳайдаб чиқдилар. Ўша жангда 375 нафар душманни қириб ташлашди, 89 нафарини асир этиб, кўпгина ҳарбий техникани ўлжа қилиб олдилар.

Нукуслик темирчи уста Н. Сараев Днепр учун бўлган жангларда аскарлар ҳамда техника етиб келишини кутиб ўтирмасдан душманнинг ёмғирдай ёғаётган ўқлари остида ўнг соҳилга сузиб ўтди ва дарёдан аскарларнинг ўтишига имкон яратиб, уларни душмандан ҳимоя қилиб турди. Аму соҳилида таваллуд топган Тиловмурод Жангбоев, Кўшмурод Бекмуродов 1319-ўқчи қисми пулемёт ротасининг сиёсий ишлар бўйича раҳбари Жарилқоп Қайипов ва пиёда жангчи Йўлдош Бобожонов, 919-ўқчилар полкининг сиёсий ишлар раҳбари лейтенант Жарилқасин Алжанов ва бошқа қатор жангчилар 84-гвардиячи ўқчилар дивизиясининг таркибида Москвани ҳимоя қилишди. Генерал Панфиловнинг гвардиячи дивизиясида нукуслик Жамол Ўтовлиев, пулемётчи Раҳим Матниёзов қаҳрамонлик кўрсатдилар.

Иккинчи жаҳон урушига Амударё (собиқ Қипчоқ ва Манғит) туманидан 4344 нафар киши қатнашди.

Жангчилардан 897 нафари жанг майдонларида мардона ҳалок бўлдилар.

1927 нафари дараксиз йўқолди. Жангга отланганларнинг 1520 нафаригина юртга қайтиб келишди.

Урушда шаҳид бўлган элдошларимизнинг жасорати, буюк хотираси сўнмасдир. Уларни халқимиз ҳамиша хотирлайди, ҳеч қачон унутмайди.

Украинанинг Николаевка шаҳри учун олиб борилган жангларда манғитлик Ўразбой Худойберганов взводи узлуксиз ёғилаётган «ажал ёмғири» остида шаҳар чеккасидаги сайҳонликда ёв ҳалқасини ёриб ўтишга муваффақ бўлди.

Қипчоқ овулининг «Қорақалпоғистон» жамоа хўжалигида чўпон, кейин меҳнаткаш бўлиб иш юритаётган Бобожон Мирзаев йирма ёшида жангга отланди. У 145-танк ротасида Киев учун бўлган жангга кирди ва қадамма-қадам душман билан олишиб, Берлингача жанговор йўлни дадил босиб ўтди. У жангда кичик лейтенант унвонини олди. Бобожон Мирзаев шиддатли жангларни бирида бир оёғидан ажралди, оғир ярадор аҳволда юртига қайтди.

1916 йил Қипчоқ овулида таваллуд топган Ўразбой Искандаров салкам ярим аср муаллимлик қилди. Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган ўқитувчи унвонига эга бўлди... У урушнинг дастлабки давридаёқ фронтга олинди, фашистларга қарши мардона жанг қилди. Ҳозир у ўзининг 85 ёшини қаршиламоқда.

Амударё тумани Хитой овулида 1921 йили таваллуд топган Собир Юсупов таниқли журналист, шоир, маърифатпарвар халқ зиёлиси, шон-шуҳрати буюк жангчидир. Унинг журналистлик фаолияти 1940 йил апрель ойидан бошланган. Собиқ Қипчоқ тумани газетасида дастлаб адабий ходим, 1942 йилдан эътиборан газетанинг муҳаррири бўлиб иш юритди. Собир Юсупов Ватан урушига кўнгилли бўлиб кетди. 1-Белоруссия фронтида фашистларга қирон келтирди. Жанглардан бирида оғир ярадор бўлиб, жангга яроқсизлиги учун элига қайтди. У 1945-1947 йилларда раҳбарлик лавозимида, 1948 йилдан эътиборан яна газета муҳаррири, 1957-1975 йилларда эса Амударё тумани «Амударё ҳақиқати» газетасининг муҳаррири, кейин туманда тарғибот бўлими мудири ўринбосари вазифасида фаол иш олиб борди. У қалами ўткир журналист, таниқли шоир сифатида эл-юртга танилди. У ҳамиша орамизда тириқдай, унинг жанговор анъанасини садоқатли шогирдлари давом эттираётир.

Ажойиб инсон, фозил зиёкор, довюрак, жангчи-журналист, севимли шоир Собир Юсуповнинг хизматлари бебаҳодир, унинг порлоқ хотираси унутилмайди, биз билан бирга яшамоқда.

Амударё туманининг Қорақалпоқ овулида 1925 йили таваллуд топган Сафарбой Юсупов 1943-1945 йилларда генерал Баграмян қўмондонлигидаги фронтда жанг қилди. Унинг билан биргаликда Қипчоқ овулида 1912 йили таваллуд топган Давлатбой Султонов, Ёқуб Қазибоев, Шамшот Холимбетовлар Белоруссия, Латвия, Литвани фашистлардан озод қилиш учун бўлган оғир жангларда иштирок этдилар. «Курландия қозони» деб ном олган оғир жангда 1944 йилнинг 5 августида эса дадам Давлетбой Султонов ҳалок бўлди.

Хуллас, қорақалпоғистонлик ҳар бир жангчи жасоратини бирма-бир санайверсак, 5-6 та газета саҳифасини тўлдириш мумкин. Бугунги байрамда барча элдошларимиз, уруш оғриғини кўриб келган биродарларимизни йўқлаб, жангдан қайтмаган жангчилар руҳини шод этиш ҳар биримизнинг бурчимиз, деб биламан.

■ Турсунбой ДАВЛЕТБОЕВ,
Ўз ХДП Қипчоқ ҳудудий партия ташкилоти котиби

***

Суратда: қорақалпоғистонлик жангчилар. Чапдан ўнгга Ғойиб Атажонов, Даумшар Ожраев, Норбой Қурбонбоев

«ИБРАТ» – НОМИГА МОНАНД ТУРНИР

Андижон теннис клуби кортларида тўрт кун давомида анъанавий «Ибрат» теннис қатнашчилари ўзаро беллашдилар. Мусобақаларда вилоятнинг шаҳар ва туманлари, ташкилот ҳамда корхона раҳбарлари иштирок этдилар.

— Одамлар, айниқса, ёшлар катталарнинг қадам олишига қараб иш тутадилар. Вилоятда «Ибрат» турнирини ўтказишдан асосий мақсад раҳбарларнинг теннис мусобақаларида ўзаро куч синашларини уюштириб, ёшларнинг спортга бўлган иштиёқини оширишдир, — деди **«Туркистон-пресс» мухбири** билан суҳбатда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Машариф Юсупов.

Турнир якунига келсак, ҳокимлар ва уларнинг ўринбосарлари ўртасидаги беллашувда биринчи ўринни Қорасув шаҳар ҳокими Муроджон Шерматов эгаллаган бўлса, аёл раҳбарлар ўртасидаги мусобақада Марҳамат тумани ҳокими ўринбосари Марҳабохон Ҳомидова эгаллади.

Вилоят ташкилотлари, ўқув юртлари ва корхоналари раҳбарлари ўртасидаги беллашувда биринчи ўрин «Андижонсавдо» компанияси раисининг муовини Ойбек Шамсутдиновга насиб этди.

ТИРИКЛИКНИНГ УЙҒОҚ НИГОҲИ

Оддий ўзбек хонадонидан уч ўғлон жангга кетди. Иккинчи жаҳон урушининг ваҳми қишлоқларимизни оралаб, уруш йигитларимизни саралаган ўша кезларда шоир Назармат ҳам айни навқирон паллада эди. Ака-укалари Аширмат ва Холмат билан бирга урушга жўнаган шоирнинг хотиралари бир жаҳон.

Айниқса Назармат ва Аширматнинг уруш даҳшатлари акс этган, жасорат тимсоли намоён бўлган шеърлари, лавҳалари ўша пайтлардаёқ «Қизил Ўзбекистон»да, яъни ҳозирги «Ўзбекистон овози»да, «Ўзбек йигити» сингари шеърлари чоп этилди.

Шоир урушдан қайтиб шу газетага ишга келди. Кекса ҳамкасбимиз байрам арафасида ходимларимиз билан учрашди. Бизга «Қизил Ўзбекистон»да 1944 йил 31 майида чоп этилган «Кут, қайтаман» шеърини инъом этди. Бу шеър газетада эълон қилинган чоғда Белоруссия ўрмонларида даҳшатли жанг бўлаётган эди. Газета ўзбек аскарларига қўлма-қўл бўлиб кетади. Мана, орадан 56 йил ўтиб ушбу шеър иккинчи бор «Ўзбекистон овози»да босилмоқда.

У ЕРЛАРНИНГ ТОНГГИ СОКИН ЭМАСДИ

зи» газетасида чоп этилиб турарди. Газета архивини кўздан кечириб уруш йилларида ўзбек йигитлари кўрсатган матонат ҳақидаги лавҳаларни кўрамиз.

Тарихдан кўз юмолмаймиз. «Қизил Ўзбекистон»нинг 1942 йил 10 декабрдаги сонида таҳририят ходими, шоир Зафар Диёрнинг «Енгамиз! Биз учун ҳайкал қурилур!» сарлавҳали мақоласи берилади. Бунда жанг майдонидан шеър юборган ўзбек шоирлари шеърларини таҳлил қилади. Мақолада ўқиймиз: «Ҳаракатдаги Армияда хизмат қилувчи жангчи шоир ўртоқ Аширмат Назаров ўзбек халқининг мактубига жавоб ўлароқ, Ватан, Халқ талаб қилганидек мардона курашишга қасамёд қилади:

Олға, фақат олға! —
шудир шиорим,
Орқага қайтганни
эл ўғлим демас,
Даҳшатли жангларда
титраган киши,
Лаънатга кўмилсин,
у ўзбек эмас!»

Шунингдек, шоир Назармат ҳам акаси Аширмат каби таҳририятга шеър ва мақолалар ёзиб турди. «Қизил Ўзбекистон»да унинг «Жанг», «Днепрдан Сирдарёга хат», «Белоруссия ўрмонларида», «Жанг йўлларида», «Ўзбек йигити» сингари шеърлари чоп этилди.

КУТ, ҚАЙТАМАН

Соғиниб ёр, кутар
эмишсан,
Гуллар аро очилиб ҳуснинг,
Уни кўрсам деяр эмишсан,
Айрилиқдан сиқилиб
кўксинг.
Саҳар туриб баҳор боғига
Қўшиқ куйлаб борар
экансан,
Ҳосилининг ҳар бутоғига
Менга атаб боқар
экансан.
Жангда ғолиб чиқиб
борганда
Қулоғимга шивирлар
ўрмон:
— Тонгда қуёш кўзин
ёрганда
Эслайсанми ёрингни
полвон.
Дейман севги кўнгил
туйғуси,
Уни ечар узоқдаги ёр,
Тошмасин ёр севгинг
қайғуси
Кут, қайтаман ғолиб,
бахтиёр.

Тирик хотиралар уйғонар бу тонг,
Туйқулар титрайди, кўз ёшлар ёнар,
Баҳорнинг минг битта гўзал гуллари;
Бугун марҳумларга саломга келар.
Она кўзларида қотган айрилиқ,
Кутишнинг минг йиллик азобли йўли.
Жажжи набиралар келтираётган,
Тинчлик, Истиқлолнинг муқаддас гули.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат

ЁНИҚ ЧИРОҚЛАР

Гитлерчи босқинчиларга қарши олиб борилган ҳаётмамот жангларида собиқ СССР бўйича 27 миллион киши ҳалок бўлди. Россия Федерацияси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги ҳарбий тарих институти фондларида сақланаётган ҳужжатларда Ўзбекистон бўйича 780 минг киши ҳалок бўлган деб таъкидланган.

1978 йилда марҳум жангчиларимиз тақдирларини аниқлаш мақсадида Россия Федерацияси Мудофаа вазирлигининг Подольск шаҳридаги Марказий архивида тадқиқот олиб боришга киришдим.

1978 йилдан 1991 йилгача олиб борилган тадқиқот натижасида 34 минг ўзбекистонлик марҳум жангчилар дафн этилган жойларни аниқлашга муваффақ бўлдим, 8700 жангчининг гитлерчи босқинчиларга қарши олиб борилган ҳаётмамот жангларида кўрсатган қаҳрамонлик, мардлик ва жасурлик ҳақидаги ҳужжатларини тўпладим.

Жангларда жасорат ва матонат кўрсатиб ҳалок бўлиш, ярадор бўлиб, госпиталга жўнатилиши сабабли тақдим этилмай қолган орден ва медалларнинг 40-50 йилдан кейин ҳаёт бўлган жангчиларнинг ўзларига, марҳум жангчиларнинг ота-оналарига тақдим этилишига ҳиссам қўшилди.

Ҳамюртларимиз ҳалок бўлган авлодларни хотирлашни муқаддас бурч деб билмоқдалар, оталари, акаукалари дафн этилган жойларга бориб, уларнинг қабрларини зиёрат қилиб ҳам келмоқдалар.

Тошкент туманидаги «Кўктерак» қишлоғидан чақирилган Ҳасан Каримовнинг Марказий архив ҳужжатларидан 1943 йил 28 сентябрь куни ҳалок бўлганлиги, Чернигов областининг Шорс районидаги Ст. Рудня қишлоғида дафн этилганлиги аниқланди.

Жангчининг умр йўлдоши Зулфия ая, ўғиллари Одил ва Раҳмат Ҳасан Каримов қабрини зиёрат қилиб, ўз муқаддас бурчларини адо этдилар.

* * *

Қамаши туманидаги Қамай қишлоғидан Йўлдош Холиқов жангларда 193-ўқчи дивизия таркибида қатнашган. У 1943 йил 29 ноябрь куни жангда ҳалок бўлган ва Гомель областининг Василевчи районидаги Замостье қишлоғида дафн этилган.

Қамаши туманидаги Пахтаобод қишлоғидаги ўғли Тўрабой Йўлдошев, Гомель областига бориб, отаси қабрини зиёрат қилиб келди.

* * *

Абдулла Меҳмоновнинг жангда ҳалок бўлганлиги ва Сталинград областининг Клемск районидаги Распопинский қишлоғида дафн этилганлиги маълум бўлди. Бундан хабар топган ўғли Муҳаммаджон умр йўлдоши Муҳаррамхон билан бирга отаси қабрини зиёрат қилиб келди.

* * *

Пскент шаҳрилик Раззоқ Қаюмовнинг 1942 йил 24 август куни жангда ҳалок бўлганлиги ва Калуга областининг Сухиничи шаҳридаги биродарлик қабристонида дафн этилганлиги маълум бўлди.

Бундан воқиф бўлган онаси Ойниса ая, укаси Боқижон ва жияни Алишер Калуга областига бориб, зиёрат қилиб қайтишди.

Марҳум жангчиларни хотирлаш — муқаддас бурчимиздир.

■ Мажид САМАДОВ,
Уруш ва Меҳнат фахрийси, ёзувчи ва журналист

ФАРЗАНДИ ЯХШИНИНГ ЙЎЛИ ЁРУҒ

Каттақўрғонлик Зайниддин Хайруллаев умрини маориф ва маърифат ишига бағишлаган эди. У шеър ҳам машқ қилар, лекин уларни тўплам ҳолида нашр этишга улгурмасдан ҳаётдан кўз юмганди. Зиёли инсоннинг фарзанди Самарқанд давлат чет тиллар институти аспиранти Хуршиджон бу ишларни орзуни амалга оширди. У отаси томонидан яратилган асарларни тўплаб «Умр чироғи» номли китобчани ўз маблағи ҳисобидан, Самарқанд «Зарафшон» нашриётида босмадан чиқарди.

— Президентимиз 9 майни — Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилганларидан сўнг бу ишга қўл урдим. Юртбошимизнинг ушбу фармонлари ҳар бир инсонни эзгуликка, қадриятларимизга қайтишга ундайди. Отам ҳаётлигида, бир умр шеърларини жамлаб, китоб ҳолида нашр эттиришни орзу қилар эди. Лекин шафқатсиз ўлим, у кишини орамиздан эрта олиб кетди, — дейди Хуршиджон Хайруллаев.

Мана бугун фарзандлар оталари орзу қилган савобли ишни амалга оширдилар. Аслида хотира ва қадрлаш дегани мана шу эмасми? Фарзандлар оталари хотираси олдида ўз бурчларини, мана шундай хайрли иш билан бажарганлари барчамизга намуна бўлишга арзийди.

Марҳум Зайниддин Хайруллаев ўзининг шеърларидан бирида шундай ёзган экан:

Эл-юртимда қанот қоқинг
шеърларим,
Юракларда чақмоқ
бўлинг шеърларим,
Чин инсонлар йўлларини
ёритиб,
Ғанимларнинг бағрин
ёқинг, шеърларим,

Халқимизда шундай гап бор «Яхшининг чироғи ўчмайди». У мангу ёнади. Шундан бўлса керак машҳур араб адиби Халил Жаброн «Ота-она — камон, фарзанд эса шу камондан отилган ўқ, ўқ камон кўра олмаган келажакда яшайди, демак у камондан кўра илғорроқ бўлиши табиий», деб ёзган эди. Ажойиб муаллим, шоир Зайниддин Хайруллаевнинг азиз фарзандлари оталари номига муносиб равишда ҳаёт кечирмоқдалар.

■ Шукур ЖАББОРОВ

ЙИГИТЛИК БУРЧИ

Эр кишининг кўксида ҳамиша қўрғонини қўриқлашдек олий бир ҳис-туйғу жўш уриб туради. Юрт дахлсизлигини ҳимоя қилиш уларнинг шарафли бурчи. Осмоннинг осойишталиги ҳам улар туфайли. Айни кунларда республикамизда баҳорги чақириқ қизғин давом этяпти.

Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани мудофаа ишлари бўлимининг бошлиғи, полковник Миршод Кидрячев билан шу ҳақда суҳбатлашдик.

— Миршод Маҳмудович, армияга чақирув ёшидаги йигитларнинг саломат, бақувватлиги, шубҳасиз, биринчи навбатда ҳисобга олинади. Айтинг-чи, суҳбат чоғида уларнинг маънавий дунёсини ҳам эътиборга оласизми?

— Сўзсиз! Саволингизга ўзимнинг шахсий мулоҳазамни ҳам айтмоқчиман. Армия сафида хизмат қилишга лойиқ деб топилган йигит, демак, у соғ-саломат инсон. Бу қатъий, қонун. Лекин уларнинг дунёқараши, тафаккури ҳам ўта муҳимдир. Чунки улар Ватанни ҳимоялайди! Йигитлар билан гаплашганда мен бунга алоҳида аҳамият бераман. Бу ҳаёт, ҳаёт эса синовдир. Ҳар қандай вазиятлар бўлиши мумкин. «Йигит иродаси бардош берадими?» деган қатъий талаб доим кўнглимдан ўтиб туради. Мана, шу кунларда чақирув ёшидаги йигитларни танлаб оляпмиз. Ўзимнинг иш тажрибамдан келиб чиқиб, ишонч билан айтаман. Кейинги бир йил ичида ёшларнинг тафаккурлари анча ўзгарган. Назаримда, уларнинг мудроқ қалби уйғонгандайин — «Мен шу юрт учун хизмат қиламан!» Улар бу сўзларни шунчаки айтмайди, шундай тафаккурлайдида.

— Кўнгиллилар кўпми? Бунга ота-оналарнинг муносабати-чи? Қолдиришни сўровчилар-чи?

— Армия сафига кўнгилли бўлиб келаётганлар кўп. Шунданам чақирув режамиз бажарилди. Кўнгиллиларга хайрихоҳ бўлмаган ота-оналар йўқ. Тўғри, ота-оналар келишади, вақтинча қолдиришни сўраб. Фарзанди қайсидир ўқишда, айтайлик, ҳайдовчилик ёки бошқа касб-ҳунар дипломини олиш арафасида турибди. Бундайларни албатта, навбатдаги чақирувгача қолдиришга ҳаракат қиламиз. Чунки касб-ҳунарли бўлса армияга тайёр кадр дегани-ку.

— Айтингчи, ноқонуний қолдиришни сўровчилар ҳам бўладими?

— Онда-сонда бўлади. Хизматдан озод қилишнинг қатъий талаблари бор. Қонун барчага баробар. Биз ундайларга тушунтиришга ҳаракат қиламиз. Улар дарҳол хатоларини англашади. Ҳозиргача ҳарбий хизматдан бўйин товлаган бирор йигит ёки ота-онани учратмадим. Аксинча, «ҳарбий бўламан» деган жавобни тез-тез эшитаман.

— Баъзида одамлар «нега амалдорларнинг, бойларнинг боласи армияга бормайди?» деган мулоҳазаниям айтишади...

— Шундай таъналар ҳам йўқ эмас... Бир сабабини айтишим мумкин. Кимдир «қолдириш»ни сўраб келади. Биз ўрганиб чиқиб, қонунга тўғри келмаса, илтимосини рад этамиз. Асосан шундайлар «Нега фалончининг боласи бормади?» деб нотўғри фикрлайди. Яна бир нозик томони, баъзи йигитларни носоғломлиги учун ололмаймиз. Лекин йигитнинг касалини сир тутамиз. Шундай йигитларниям «Қолдиришган, нега қолдиришган?» дейишлари мумкин-да. Мана айтайлик, шу чақирувда 3 йигитни таносил касаллиги туфайли даволанишга қайтардик.

— Миршод Маҳмудович, муқобил хизматни хоҳловчилар-чи?

— Муқобил хизматни хоҳловчилар ўтган йилгидан анча кам. Ҳали режаниям бажарганимиз йўқ. Айтдим-ку, бугунги ёшлар иродаси мустаҳкам, чинакамига йигитлик бурчини ўташни исташади. Бу ниманинг натижаси? Бу ёшлар орасида миллий мафкуранинг шаклланаётганидан дарак беради. Маҳалла, гузарларда ота-оналар, ёшлар, ўқув юртлари, ўрта мактабларда олиб борилаётган тўғри ташвиқотнинг натижаси.

— Боя айтганингиздек, «Ҳарбий бўламан», «Шу юрт учун хизмат қиламан», деган ёшларнинг юрагида шу Ватанни севиши, шу тупроқни қадрлаши яққол сезиляпти-да, тўғрими?

— Шундай. Зотан, бу уларнинг йигитлик бурчи. Осмоннинг осойишталиги, юртнинг тинчлиги, элнинг ҳаловати, қизларнинг севинчи, боланинг шодлиги улар туфайли. Қўрғоннинг мустаҳкамлиги — эр йигит туфайли.

■ Суҳбатдош:
Саида САЙХУН

ТАРИХИМИЗ САҲИФАЛАРИ

1991 — 2000

1996 ЙИЛ

15 июнь. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг, Ўзбекистон ХДП Марказий тафтиш комиссияси аъзолари, партиянинг марказий сайланма органлари аъзоси бўлмаган вилоят кенгашлари котиблари, Олий Мажлисдаги ХДП фракциясининг бир гуруҳ аъзолари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокидаги, XVI пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби А. Жалолов «Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг парламентчилик фаолиятини янада ривожлантириш тўғрисида» маъруза қилди.

25 июнь. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан партия марказий нашрлари, жамоалари учун қабул маросими уюштирди.

2 июль. Ўзбекистон Президенти И. Каримов ва АҚШ Президенти Билл Клинтон учрашуви хусусида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг Баёноти матбуотда чоп этилди. Унда шу йилнинг 25 июнь куни Вашингтонда Америка Қўшма Штатлари Президенти Билл Клинтон ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ўртасида учрашув бўлиб ўтганлиги ва Оқ уй матбуот хизмати баёнотига кўра, давлатларимиз бошлиқларининг бундай биринчи мулоқоти ҳар иккала томон учун жуда фойдали бўлганлиги таъкидланди.

4 июль. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида БМТ Ўзбекистондаги вакилининг ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар билан ишлаш бўйича маслаҳатчиси Бланка де Толедо хоним, унинг илтимосига биноан, қабул қилинди.

18 июль. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Фридрих Эберт номли жамғарманинг МДҲ мамлакатлари бўйича мувофиқлаштирувчиси д-р Альфред Дибольд, унинг илтимосига кўра, қабул қилинди. Бу жамғарма мустақил маданий жамоа ташкилоти бўлиб, у Германия Социал демократик партиясига яқин туради.

24 июль. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми партия марказий газеталарига раҳбарликни янада такомиллаштириш, партиянинг сиёсий ролини ўтказишда газеталар таҳририятларининг фаолиятини самарали мувофиқлаштириш ҳамда уларнинг бир-бирига ўзаро ҳамоҳанглигини таъминлаш мақсадида «Ўзбекистон овози» — «Голос Узбекистана» газеталари таҳририятларини муштараклаштириш, унинг ягона бош муҳаррири лавозимини таъсис этиш юзасидан қарор қабул қилди.

(Давоми бор).

---

10 МАЙ — ҒАФУР ҒУЛОМ ТУҒИЛГАН КУН

ЯШАШ СОАТИНИНГ ОЛТИН КАПГИРИ

Миллий тарихимизни Ғафур Ғулом ғурур ва ифтихор билан, тантилик ҳамда жасорат ила тараннум этган шахс. Шу топда хаёлимга буюк Жалолиддин Румийнинг: «У қул бўлиб келган эди, шоҳ бўлиб чиқди», деган ақидалари келади. Бу эса Ғафур Ғуломдек она тарихимиз қомусчисига бевосита ва билвосита тегишли. Алломанинг қайси асарини ўқиманг, 20-60- йилларда қалб ҳарорати ила бунёд бўлган ижод намуналарида вақт қадр-қиммати, ўзлигимиз, ўзбеклигимиз ҳақида тўлқинланиб тараннум этилади. Бу эса шоирнинг катта билимдон эгаси бўлганлиги ва уни қалби-шууридан ўтказиб, халқига тақдим қилганлигидан далолат беради.

У ҳар дақиқа, фурсатни қадрлаш қанчалик зарурат эканлигини, яъни тарих ғилдираги инсон яшаши, яратиш учун айланаётганлигини тараннум этди:

Яшаш соатининг
олтин капгири,
Ҳар бориб келиши бир
олам замон.
Коинот шу дамда ўз
куррасидан,
Ясаб чиқа олур
янгидан жаҳон.

— дея вақтни қадрлаш қанчалик зарурат эканлигини таъкидлаган Ғафур Ғулом бу тарихий фурсатни шундай якунлайди:

Яшаш дарвозаси
остонасидан,
Зарҳал китоб каби
очилур олам.
Тириклик кўркидир
меҳнат, муҳаббат,
Фурсатдир қилгувчи
азиз, мукаррам.

(«Вақт» шеъридан).

Шоир шижоат билан янгичасига, тарихий замон талаби асосида ижод этди, бутун ҳаётини, халқ турмушининг йўриғини бус-бутун ўзгартирган воқеаларга лаббай деб пешвоз чиқди. Чунончи, «Шарқдан келаётирман!» деб хитоб қилди у. Ғафур Ғулом доимо халқи деб яшади, халқи дардида куйиб адо бўлди. Мен бу ўринда алломанинг қизи, иқтидорли ёзувчи Олмос опанинг «Армонлар» китобидан («Ўқитувчи» нашриёти, 1998 йил) бир мисол келтириш билан кифояланаман. Дарвоқе, бу лавҳа «Зилзила» деб номланар ва шундай сатрлар бор эди: «Ғафур Ғулом ўз халқини севиб, бутун қалб ҳароратини, бор умрини уни улуғлашга сарфлаган. Сўнгги нафасигача халқи билан бирга бўлди. Бошига тушган ваҳимали зилзила кунларида ҳам халқи, Ватанидан узоқ кета олмай бирга бўлди».

Табиат Ғафур Ғуломга ноёб истеъдод, нодир ақлзаковат, нозик ва ҳар томонлама англаш ва кўра олишдек ажойиб қобилият берди. Она тарих шоирга халқ билан бўлиш, эҳтиёжини теран ва аниқ тушуниш, ҳар қандай шароитда ҳам ўз эътиқодида мустаҳкам туриш, ҳаёт ва халқ билан баробар қадам ташлаш, фақат янгиликни усталик билан тарғиб этишнигина эмас, балки жуда мураккаб бўлган, эҳтимол кўпчиликка тушунарли бўлмаган нарсаларни ҳам оммага ишонарли тушунтиришдек нодир қобилиятни берди.

Ғафур Ғулом доно ва содда, ҳазилкаш ва жиддий, самимий ва шижоатли сиймо эди, фавқулодда ор-номусли, виждонли ва ҳақиқатпарвар шоир, тарихчи эди. Шу боис «олмос парчаларида қуёш акс этганидек», Ғафур Ғуломнинг шарафли ҳаёт йўлларида, серқирра ижодида халқимизнинг тарихи ва тақдири бутун жиддийлиги ва кўркамлиги билан акс этгандир. Шунинг учун ҳам Ғафур Ғуломни Покистон шоири Файз Аҳмад ҳамда турк шоири Нозим Ҳикматлар севганлар, уни АҚШ, Англия ва Жазоирда билганлар, асарларини Осиё, Африка ва Европада ҳам нашр этганлар. Демак, у адабиётимиз ўзига хослигини қуйлади. Негаки, байналмилаллик шакл ва мазмун соҳаларини қамраб олади. Жаҳондаги машҳур адибларнинг уни тан олишининг «сири» ҳам байналмилалликка ўтишдир. Бундай ижод маҳсули менимча фақат академик шоир Ғафур Ғуломгагина хос эди. Тўла ишонч ва эътиқод билан алломани дўстлик қуйчиси, узоқни кўзлаган Инсон деб тушуниш мумкин эди.

Шу ўринда ўша даврда ижод пиллапояларини бирга давом эттирган адиб Шароф Рашидовнинг шоир ҳақидаги фикрларини ифода қилсак, яна бир бор унинг ижоди халқчил, халқ овози бўлиб янграганини англаймиз: «Ғафур Ғулом шеърий ижодининг халқчиллиги шундаки у ҳамиша меҳнаткаш кишилар орасида бўлиб, ўзининг ёрқин асарларига халқ ҳаётидан илҳом ва мавзулар олади. Демак, Ғафур Ғулом поэзиясининг халқчиллиги шундаки, у ўз асарларида жонажон халқининг ҳаёт ҳақиқатини, орзу ва ўйларини, ёруғ истиқболга бўлган ишончини акс эттирди», деган эди у. Ғафур Ғулом йирик адабиётшунос олим бўлиб, Ўзбекистон Фанлар академияси ҳақиқий аъзолигига сайланган эди. У 1964 йилда Қобул шаҳрида Абдураҳмон Жомий туғилганлигининг 550 йиллик юбилей тантаналарида иштирок этиб, «Шарқ назми осмонининг икки порлоқ қуёши», деган мавзуда нутқ сўзлади. Академик шоир ушбу нутқида ўзбек ва форстожик адабий алоқалари тарихи саҳифаларини варақлаб, «XV асрнинг икки буюк сиймоси, назм осмонини чароғон қилган» Абдураҳмон Жомий билан Алишер Навоий ўртасидаги жаҳон адабиёти тарихида жуда кам учрайдиган мустаҳкам ва самимий дўстлик ҳамда ижодий ҳамкорликни жонли мисоллар асосида гапирди.

Ўнлаб совринлар соҳиби академик шоир Ғафур Ғулом ҳаёт бўлганида бу йил 97 ёшга тўлган бўлардилар. Лекин шоир ва адиб ўлмас ижоди — адабий тарихий мероси билан ўзига ҳайкал ўрнатди. Унинг асарлари нафақат ўзбек халқининг, балки жаҳон халқларининг маънавий-маърифий хазинасига айланади.

■ **Карим НОРМАТОВ,**
профессор

МЕҲР МАНЗИЛИ

Ўзбекистон Фанлар академияси «Фан» нашриётида оддий муҳаррир эдим. У киши эса фан номзоди. Нашриётда «Ҳозирги ва келажак замон энергияси» номли илмий-оммабоп китобчаси босилди-ю ўртамизда илиқ муносабат бошланди, тез-тез учрашиб турадиган бўлдик.

Йиллар ўтиб, Раҳим Бекжонов фан доктори бўлди, Фанлар академияси мухбир аъзоси, кейин эса академик. Унинг илм-фандаги мавқеи ошиб бораверди. Зеро қадрдонликни унутмади. Фақат ногаҳон ўлим...

Дарвоқе, Раҳим Бекжонов илм-фан фидойиси эди. У Ўзбекистонда ядро физикаси соҳасига катта ҳисса қўшди. Бу соҳага оид илмни дастлаб Москвада, Арманистонда машҳур олимлар — Алиханянлар раҳбарлигида бошлади. Кейинчалик Ўзбекистонда ядро физикаси институти очилгач, умрининг охиригача шу даргоҳда ишлади. Шу институтда юзлаб илмий мақолалар, ўнлаб монографиялар ижод қилди. Кўплаб шогирдлар етиштирди.

Эсимда, Раҳим Бекжоновичнинг илмий кенгашда докторлик диссертациясини ёқлагани. Шу муносабат билан тўпланган академиклар Убай Орифов, Содиқ Азимовлар ҳамда Алиханян бир пиёла чой устида илиқ сўзладилар. Симпозиумларни ўтказиш ташкилотчиси, деб эътироф этишди.

Раҳим Бекжоновични вафотидан бир неча кун олдин атоқли ёзувчи Одил Ёқубов билан уйига йўқлаб борган эдик. Овозимизданоқ таниб, севинганди. Узоқ гурунглашдик. Хотираларни, кўрган-кечирганларимизни эсладик. Ўшанда у шундай яйраганди-ки... Одил Ёқубовни, Бахмалга борганимизни эслаши ҳам сурурбахш бўлган.

... Воқеа бундай бўлган. 1982 йили отамнинг укаси Раҳматулла акам (худо раҳмат қилсин) ўғилларини уйлантириш тўйига таклиф қилиб, Тошкентдан қадрдонларимни олиб келишимни ҳам тайинлаганди. Раҳимжонни ҳам тўйга таклиф қилдик. Мамнуният билан розилик билдирди. Шанба куни Бахмал тумани маркази Ўсматга жўнадик. Тўйхона Ўсматдан 1,5 чақирим нари, мен туғилиб ўсган Жарбулоқ қишлоғида эди. Меҳмонлар учун кекса муаллим Қозоқбой тоға Остонов уйи танланибди.

Тоға бизни самимий қаршилади.

— Пенсиядаги одамман, меҳмонлар билан бир ҳангомалашай, деб Раҳматуллабойдан илтимос қилувдим. Оллоҳга шукр, хонадоним тўлди, — деб хурсандчилигини билдирди. Ҳовли мисоли жаннат эди. Бир туп олма дарахти тагида сўри. Шохлардаги қизил олмалар худди териб қўйилгандай. Ҳар бири нақ ярим кило. Шунда Раҳимжон, бу олма тагида ўтирмаймиз биттаси тушиб кетса бошимизни ёрадия, деб ҳазиллашди. Меҳмонларни тоғага таништирдим. Раҳим Бекжонов ҳақида кўпроқ гапирдим. Тўйхонадан Новқага боришимиз ҳақида хабар келди. Кеч киришига ҳали вақт бор. Меҳмоннавозлик Бахмал туманининг сўлим Новқаота булоғига кўчди. Раҳим Бекжонов муздай булоқ сувидан қониб-қониб ичди. Сув худди беш панжа орасидан қайнаб чиқарди. Кўлда балиқлар жилпанглайди. Атрофга сўрилар қўйилган. «Юртимизнинг энг гўзал жойларидан экан, биз эса қаёқлардадир борамиз-у ўзимизникини билмаймиз», деб Раҳим Бекжонов ўксинди. Оқсоқоллар Рустам Аҳмедов (худо раҳмат қилсин) билан Очил Холмирзаев Новқаота билан боғлиқ ривоятлардан сўзлашди.

Тўйхонага қайтдик. Одам кўп. Одатга кўра меҳмонлар табрик айтади. Навбат Раҳимжонга келди. Даврачи бу қишлоққа ядрочи олим, академикларнинг биринчи келиши деб қўшиб қўйди. Раҳимжон табрик айтди. Қариялар академик меҳмон ҳақида сўраб қолишди. У киши ядро физикаси мутахассиси эканлигини айтдим, тушунмадилар. У нима дегани? Охири ҳазил қилиб, «бомба» ясайдиган олим дейишимни биламан, 5-6 нафар отахон туриб, э, у киши катта олим экан, қўлларини олиб қолайлик, деб қолишди. Раҳимжон кулиб, оқсоқоллар дуосини олди...

... Ҳар доим қишлоғимга борганимда каттаю кичик Раҳимжон ҳақида сўрарди. Дилкаш, камтар олим ҳамқишлоқларимга ёқиб қолганди. У киши бахмалликларни яхши кўрарди. Бурноғи йили кузда хонадонимизда тўй бўлди. Кўплаб бахмалликлар келишди. Раҳимжон Бекжонович меҳмонлар билан узоқ суҳбатлашиб ўтирди. Бахмалнинг ҳозирги қиёфаси, мустақиллик даврида қилинаётган катта ишлар, қурилаётган қўшма корхоналар ҳақида гапириб беришди. Бахмал тасвири туширилган бежирим идишдаги маъданли сувни кўрсатишди. Шунда Раҳимжон: «Насиб бўлса, Бахмалга энди боришимиз керак экан», деди. Бироқ...

У ўта камтар, ҳақиқатгўй ва тўғри одам эди. Умр бўйи илм билан шуғулланди. Амал талашмади. Мухбир аъзоликдан академикликка эса 20 йилдан кейин, истиқлолимиз нафасидан баҳра олгач сайланган эди. Ҳа, атоқли олим, меҳрибон дўст Раҳим Бекжонов ҳақида қанча ёзсанг ҳам оз.

■ **Ҳ. БЕКТЕМИРОВ,**
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

ҲАЛОКАТГА УЧРАДИ

Тожикистонда аскарларни олиб кетаётган ҳарбий юк машинаси ҳалокатга учради. Хабарларга қараганда, фожиа оқибатида президент гвардиясининг олти ҳарбий хизматчиси ҳалок бўлган, 23 киши жароҳатланган. Айни пайтда тегишли органлар ходимлари ҳалокат сабабларини ўрганмоқда.

МУРДАЛАР ТОПИЛДИ

Жазоирнинг Тисемсилт вилоятидан илгари ақидапарастлар томонидан ўғирлаб кетилган тўққиз кишининг мурдаси топилди. Ўлдирилганларнинг саккизтаси 5 ёшдан 16 ёшгача бўлган ўсмирлардир.

Норасмий хабарларга қараганда, май ойи бошидан буён Жазоирда 36 киши ақидапарастлар қурбони бўлган.

АНИҚЛАШНИНГ ЯНГИЧА УСУЛИ

Бу янгилик бутун дунёдаги қандли диабет билан касалланганларни қизиқтириб қолиши табиий. АҚШ ва Исроил олимлари УЗИ ёрдамида қондаги қанд миқдорини аниқлаш усулини ишлаб чиқишди. Шу пайтга қадар бундай текширув қон олиш ва пункция билан боғлиқ бўлиб, буни кунига бир неча марта қилиш зарур эди. Эндиликда 30 секунд давомида ультратовуш билан ўрганиш қондаги қанд миқдори даражасини юқори аниқликда белгилаш имконини беради.

МИЛЛИАРДИНЧИ ЧАҚАЛОҚ

Аҳолишуносларнинг айтишича, 10-11 май кунлари Ҳиндистонда мамлакат аҳолиси сонини миллиардга етказувчи чақалоқ дунёга келади. Мамлакат Хитойдан кейин иккинчи бўлиб миллиардлик довонидан ошиб ўтади. Дунё аҳолишунослари сайёрамиз нуфузи жадал кўпайиб бораётганидан ташвиш билдираётган бир пайтда, Ҳиндистон аҳли миллиардинчи бўлиш қайси чақалоққа насиб этаркин, деган қизиқишда юрибди. Бунга Ҳиндистон ҳукумати ҳам алоҳида эътибор беряпти. «Юбилейинчи гўдак» бир зумда машҳур бўлиш билан бирга, анчагина моддий бойликни ҳам қўлга киритади.

Ҳозирданоқ Ҳиндистон соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан мамлакат бўйича шу кунлари туғилажак чақалоқларни қатъий тартибда рўйхатга олиш ҳақида кўрсатма берилган. Барча туғуруқхоналар, касалхоналар, ҳатто уйда хизмат кўрсатаётган доялар огоҳлантирилди. Шуниси қизиқки, ҳукумат туғилажак чақалоқ қиз бола бўлиши керак, деб «кўрсатма» берган. Бош вазир Атал Биҳари Важпаининг ушбу воқеа муносабати билан халққа мурожаати ҳозирданоқ тайёрлаб қўйилган. Алоқа вазирлиги ушбу воқеага атаб почта маркаси чиқаришни режалаштирган. Молия вазирлиги юбилей тангасини зарб қилмоқчи. Бир сўз билан айтганда, миллиардинчи чақалоқни бутун Ҳиндистон аҳли сабрсизлик билан кутмоқда.



Абу Даби — Бирлашган Араб Амирликларининг пойтахти.

Алишер РЎЗИЕВ олган сурат

ШАҲЗОДАСИНИ КУТАЁТГАН ГУЛ

Ҳар тонг шикорга чиқаётган шаҳзода йўлида бир қиз пайдо бўларкан. То шаҳзода кўринмай қолгунча ундан кўз узмай турав ераркан, турав ераркан...

Қизнинг бу ҳолатидан ёнатрофидагилар кулишибди. «Ҳолни билиб сев», — таъна қилишибди улар. «Жинни бўлиб қолибди» — ҳукм чиқаришибди туйғунинг устидан. Мулозимларнинг ҳукми эса одатийча:

— Қиз йўлдан қувиб солинсин!

Шаҳзода пешвозидаги хумор кўзли қиз йўқолибди-ю, йўл четидаги сойда бир гул пайдо бўлибди — оппоқ. Интиқ кўзни эслатувчи гул. У қораси кўринмай кетгунича шаҳзода ортидан тикилав ераркан, тикилав ераркан...

Сойда пайдо бўлган гул хабарини эшитган одамлар ишониб-ишонқирамай сой атрофига йиғилишибди. Аммо юзларини яшириб олган гулни кўришибди, холос. На билсин унинг қуёши шаҳзода эканлигини? Шаҳзодагагина хумор эканлигидан қандай хабари бор уларнинг?! Шаҳзодани кўриб туриш учун шу қисматни ўзлари берганлигини на билсин мардуми ғофил?!

Нилуфар ҳақидаги шарқ афсонаси бу. Афсонанинг тагида қанчалик ҳақиқат бор билмадигу, лекин одамларни ажаблантирадиган шаккоклик бор нилуфаргулда: у қуёшдан бекиниб олади. Ҳамма гуллар тупроқни танлаган бўлса, нилуфар сувни танлади. Барча гул тоза сув ичса, ботқоқ сувини ичади шаккок нилуфар. Ҳамма гуллар экилади, ўстирилади, сотилади... Нилуфар эса сотилмайди. Уни қўлда ўстириб бўлмайди. Уни бозорга олиб чиқиб бўлмайди. Одамларнинг хизматкорига айланмайди бу гул. Туйғуларимизга-да, изҳорларимизга-да хизмат қилдиролмаймиз уни. Ўзининг сойидан бўлак жой қилолмаймиз. Бозор-бозор ўйнолмаймиз у билан. Ана, бозорда ҳамма гул бор, нилуфар йўқ. Ҳамма гул унаяпти тупроқда, нилуфар унмаяпти. Одамларнинг қўлларида гулларнинг ҳар тури бор, лекин нилуфар йўқ.

Бундай Бруно шаккоклигини кўриб гул бўлгиси келади одамнинг — нилуфаргул! Қалбида ғурурини гул қилиб ўстирувчи сой бўлиб олгиси келади кишининг — Нилуфар ўсган сой!

■ **Акбар АБДУМУРОД**

ҲАЁТИНИ САҚЛАБ ҚОЛИШДИ

Исроилнинг «Вольфсон» тиббий марказида оламшумул воқеа содир бўлди — юрак касаллигига чалинган эфиопиялик 8 ёшли қизча юрагига сигир бўйин артериясининг бир қисми ўтқазилиб, ҳаёти сақлаб қолинди.

Қизалоқ тиббий амалиётда камдан-кам учрайдиган юрак хасталиги — ўпка артерияси тўсилиб қолиши билан хасталанган, бу ўпкага қон берадиган ён артериялар ўсишига олиб келган, натижада қоннинг кислород билан тўйиниши жиддий равишда ёмонлашиб, вена ва артерия қонлари ажралган.

Жарроҳ Ами Акоэннинг айтишича, шу пайтга қадар бундай ҳолларда донорлик томирлари ва инсон артериялари қўлланиларди, мазкур операцияда эса сигирнинг бўйин артериясидан фойдаланилди. Операциядан кейин қизчанинг аҳволи яхшиланди.

НОЁБ ОПЕРАЦИЯ ЎТКАЗИЛДИ

«Шива» шифохонасида паркинсон касаллигига қарши ноёб операция ўтказилди. Гап шундаки, бунда мияга электродлар киритилади. Эндиликда бу усул паркинсон касаллигига чалинган беморларга ҳам умид бағишлайди.

Бу ерда миянинг бир қисми жонсизланиши билан боғлиқ касаллик ҳақида сўз бормоқда. Бундай беморлар одатда етмиш ёшдан кейин бош мия ҳужайраларининг бир қисми ўлишидан азият чекади, бунинг натижасида ҳаракатланиш қобилиятлари бузилади, қўллари титрай бошлайди. Исроилда ҳозирги пайтда 10 минг киши паркинсон касалига чалинган.

ÇAĞLAYAN





Маҳмудхўжа Беҳбудий: «Бизнинг ўлимимиз учун энг яхши қасос... мумкин қадар яхши мактаблар очиш, шунингдек маориф ва халқ бахт-саодатини таъминлаш соҳасида тинмай ишлаш бизга энг яхши ҳайкал бўлади».



Туркиянинг фуқаролари бўлмиш бизлар Ўзбекистон диёрида завқ-шавқ билан меҳнат қилар эканмиз, қондош ва жондош ўзбек халқининг ҳар бир шодиёнаси ва маъракаси ҳам бизникидир.

Тошкентнинг Бўзсув соҳилида Президент ташаббуси билан қисқа фурсатда бунёд бўлган «ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ» хиёбони матонатли ота-боболар руҳларини шод этгувчи мангу яшил ёдгорликдир.

***МУСТАҚИЛЛИК, ОЗОДЛИК, ХУРРИЯТ** учун азиз жонларини қурбон қилган Мунаввар Қори, Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат, Элбек, Усмон Носир сингари азиз сиймолар руҳлари бугун шод этилмоқда.*

Маърифатпарвар оталар даъвати бугунги ва келажак авлодларни эркпарварлик руҳида тарбиялайди. Ўзбекистон ҳукуматининг бемисл ғайрати билан ҳар йили бу ўлкада ўндаб янги-янги замонавий мактаблар, лицейлар, коллежлар ва билим даргоҳлари ишга туширилишининг шоҳидимиз.

Озодлигинг мангу бўлсин жафокаш халқ, йўли ойдин Ватан, дея хайрихоҳмиз!

ўзбек-турк қўшма корхонаси.

БОШ МУҲАРРИР

Азим СУЮН

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Сиёсат — 133-44-55
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-12-56
Котибият — 133-21-43
Реклама ва эълонлар 133-47-80, 133-38-55,
Факс — 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 136-53-16;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи
Фаррух Ҳамроев

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Саҳифаловчи-дастурчи
Бахтиёр Жўманов

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: *Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 182

Топшириш вақти -- 21.00.

1 2 3 4 5 6

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ЯХШИЛАР БОР БЎЛСИН

Мен юрак қон-томирлари функциясининг бузилиши натижасида 17-шаҳар шифохонасига даволанганман бордим. Дард бергувчи ҳам, шифо бергувчи ҳам Аллоҳ, десалар-да, кимнидир сабабчи қилиб кўйиши ҳам бор гап. Бахтимга шифохона бош врачи Бахтиёр Абдуллаевдек Гиппократ қасамига содиқ дўхтирлар учраб қолди. Дарров шифохонага ётқизишди. Юрак қон-томир касалликлари бўлими бошлиғи Маҳфуза Қосимова тўғри қўйилган ташхис асосида даволади. Ҳар куни ҳолимдан хабар олиб турди.

Ҳаммамиз ҳам иссиқ жонмиз, гоҳ ундоқ, гоҳ бундоқ деганларидек, баъзида соғмиз, баъзида эса дардга чалиниб турамиз. Мамлакатимизда яхши инсонлар қанча кўпайса, ўз касбининг мутахассиси бўлган дўхтирларимиз қанча кўп бўлса, давлатимизнинг соғлом авлодни вояга етказиш дастури шунчалик тез амалга ошади. Айниқса, катта ҳамшира Сожида Холиқова ва ҳамшира Шаҳноза Саидхўжаевларнинг ширин муомаласи руҳимга қувват бўлди. Мен ўз миннатдорчилигимни изҳор этишни лозим топдим.

■ **Ҳалима НОСИРХЎЖАЕВА**

«ИБРАТЛИ УМР» ЎЙЛАНМАСИ

Аввало қуйида таърифлари ёритилган сўз ва номларни топиб, очқични ҳал этинг. Қавс ичидаги рақамлар сўзлардаги ҳарфлар миқдорини англатади.

1. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, портретчи рассом, фашизмга қарши уруш қатнашчиси бўлган қаҳрамон жангчи(9).
2. Одамларга, башариятга ғамхўр ва севимли киши (11).
3. Ўзбекистон Республикасининг олий нишонидан бири (7).
4. Туркистондаги жадид ҳаракати намояндаларидан бири, «Падаркуш» асари муаллифи (8).
5. Биринчи ўзбек генерали, атоқли саркарда (7).
6. 1145-1221 йилларда яшаб ўтган мусулмон оламидаги забардаст мутасаввуф донишмандлардан бири, буюк ватандошимиз (5).
7. XIV- XV асрлардаги мумтоз адабиётнинг атоқли намояндаси, ўзбек ва форс-тожик тиллардаги асарлари билан Шарқда шуҳрат қозонган сўз санъаткори (6).
8. «Зарбулмасал» асарини ёзиб қолдирган мумтоз ўзбек адабиётининг йирик намояндаларидан бири (8).
9. Буюк фалакиётшунос олим, темурийзода, «Тўрт улус тарихи» асари муаллифи (7).
10. Бу йил таваллуд санаси нишонланадиган буюк калом имоми ва фиқҳ олим, ислом оламида жуда нозик ҳисобланган «Китаб Тавҳид» асари муаллифи(9).
11. Марказий Осиёда XIV асрда пайдо бўлган ўз номи билан аталувчи йирик тасаввуфий тариқат — «Дил ба ёр-у, даст-бакор» деган фикр асосчиси (8).
12. Фашизмга қарши уруш қатнашчиси, фарғоналик қаҳрамон жангчи (11).
13. Атоқли ўзбек механик олими, техника фанлари доктори, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигининг назариясига оид тадқиқотлар муаллифи (8).

Энди шакл атрофидаги рақамларни жавоб сўзларидаги биринчи ҳарфлар билан алмаштиринг. Сўнг эгри чизиқлар бўйлаб нуқталар қаршисидаги ҳарфларни соат мили йўналишида ўқиш билан ўйланмани ҳал этинг. Улардан тўрт мисра шеърни билиб олишга муваффақ бўласиз. Биласизми, бу ҳикмат қайси атоқли ижодкорга мансуб?

■ **Фозилжон ОРИПОВ тузди.**

ЖАВОБЛАРИ:

1. Абдулла. 2. Инсонпарвар. 3. «Истиқлол». 4. Беҳбудий. 5. Рахимов. 6. Кўпро. 7. Лутфий. 8. Гулхаиё. 9. Улуғбек. 10. Мотурийлик. 11. Нақшбанд. 12. Тошпўлат. 13. Ўроз.

ХИКМАТ:
Ўқитувчи, Тарихчи ўлкада,
Ўқитувчи ўзгаётган, Маҳмудхўжа шиддатли.
Мулаффиф: ШАРИФЗОДА.



ШИФОКОР МАСЛАҲАТИ

ҚАЛБАКИ ДОРИЛАРДАН САКЛАНИНГ!

Олой бозорида дори-дармонларни улгуржи ва чакана савдоси билан шуғулланувчи хотин-халажлар бор. Бундай «тадбиркор»ларни бошқа йирик бозорларда ҳам учратиш мумкин. Мен ўшалар ампицилин, левомецитен, бисептол каби антибиотикларни, гентомицининг инъекция шаклини ва яна аллақанча дориларнинг қалбакисини бир чўқиб тўққиз қараб сотаётганларини кўрдим. Шунингдек, бундай хатарли дори-дармонлар дорихоналарда учраб қолиш эҳтимоли ҳам йўқ, деб бўлмайди. Улар фойдали таъсир бермаса майли-я, ҳали бу фалокат эмас, аммо зарарли бўлсачи? Шунинг учун дори сотиб олаётганингизда айрим жиҳатларига эътибор беришингиз лозим, шунда бармоғингизни тишлаб қолмайсиз.

Биринчидан, аксарият қалбаки дориларнинг қутиси ва ўрами ксерокопиядан чиқарилган бўлиб, бир хил рангга эга. Ҳақиқийсида эса дори ўрами ва қутиси устидаги ёзувлар бир неча ранг ва тусда бўлади.

Иккинчидан, ҳақиқий дориларнинг чиқарилган ва сақланиш муддатининг устига ўйиб ёзилган бўлади ҳамда ойларигача, санасигача аниқ кўрсатилган бўлади. Ҳақиқий эмасида эса ойлари кўрсатилмаган, ўйиб ёзилмаган бўлади.

Учинчидан, ҳақиқий дори таблеткалари бир текис, чиройли, уваланмайдиган, эзилиб кетмайдиган, флаконлардан оқиб чиқмайдиган бўлади. Қалбакисида эса сифати ёмон, ўрамга ёпишган, тез уваланадиган, оқиб кетадиган хусусиятлари бўлади.

Ва яна тўртинчидан ҳар бир дори моддасининг ўзига яраша ҳиди, ранги ва таъми бўладики, буни фақат тажрибали тиббиёт ходимларигина аниқлашлари мумкин.

Шуларни эътиборга олган ҳолда дори-дармонларнинг қалбакиларидан эҳтиёт бўлишингизни ва шу билан ўзингизни, фарзандларингиз ва яқинларингизни ортиқча чиқимдан, турли-туман зарарловчи омиллардан асраган бўласиз.

ТУТ ПИШИҒИГА ЕТГУНЧА...

Донишманд бобо-момоларимиз умргузаронлик қилишган замонларда ҳозиргидек дорихоналар, шифохоналар бўлмаган. Улар баҳорги дармонсизликни бошидан ўтказаётган маҳали ярим ҳазил ярим чин қилиб «Тут пишиғига етгунча ўлмасак, кейин ўлмаймиз», дейишган. Ҳамда тут пишиғига етишишнинг ўзига хос осон ва ўнғай йўлларини қўллашганлар. Хўш, буларга нималар киради, дейсизми?

Ўзингиз сезиб турган бўлсангиз керак, гап турли туман кўкатлардан тайёрланадиган (исмалоқ, қоқиўт, беда, жағ-жағ, очамбити, чўпонтўрва) каби салатлар, сомсалар, пичаклар ва пиширқлар тўғрисида кетяпти. Албатта, ҳамма нарсанинг табиийси яхши. Қанийди, ҳамма ҳам кенг даласига, полизига эга бўлиб, мана шу табиий неъматлардан баҳра олишнинг имкони бўлса, юқоридагидек хапдориларга, дармондори препаратларга эҳтиёж қолмаган бўлур эди. Баҳорда мана шу кўкатлардан тайёрланган маҳсулотларни кўп миқдорда истеъмол қилиш кўкламги дармонсизликнинг энг яхши давоси ҳисобланади.

■ **Алижон ЗОҲИДИЙ, 1-тоифали шифокор.**

Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида истиқомат қилаётган сотувчи тадбиркорлар диққатига:

«ЧОРСУ БУЮМ БОЗОРИ»

ОАЖида савдо қилиш қулайликларига эга бўлган 620 та бўш жойлар мавжуд.

Бозор маъмурияти.

(Газетанинг навбатдаги сони 13 май, шанба куни чиқади.)